




# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ



## МУНДАРИЖА

### I. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

Тростянский Д., Саифназаров И.	Совершенствование механизма структурных преобразований в национальной экономике.....	4
Нигмаджанов У., Махмудов Н., Тиллаев А.	Роль свободных экономических зон в развитии национальной экономики.....	7
Арабов Н., Журакулов Ш.	Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солиш механизмлари.....	11
Қодинова З.	Минтақавий меҳнат бозорини шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	14
Абдурахимов Д.	Минтақаларни барқарор ривожлантириш ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш.....	18
Алижонов У.	Жамоатчилик ишлари самарадорлигини ошириш асосида ишсизликни камайтириш.....	20
Исмаилов А.	Ўзбекистонда самарали бандлик тамойиллари.....	24
Каршиев Ш.	Теория конкуренции: формирование и развитие.....	27
Qulmatov A.	Bozor iqtisodiyoti sharoitida uy xo'jaliklarining tutgan o'rni va ahamiyati.....	31

### II. ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

Азимов Д.	Корпоратив тармоқ асосида Илмий тадқиқот маркази билимларини бошқариш самарадорлигини ошириш.....	35
Хамраева Б.	Формирование и управление инновационной деятельностью в условиях инновационного типа развития...	38
Урманова Д.	Кончилик корхоналарида инновация жараёнларига жалб этилган инвестицияларни иқтисодий баҳолаш усуллари.....	42
Райханов У.	Жамиятнинг ўрта қатлами сафини кенгайтиришда инновация ва тадбиркорликнинг ўрни.....	45

### III. МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ

Остонакулова Г.	Мебель саноати корхоналарида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш.....	49
Жалолов И.	Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожланишида суғурта фаолияти ва уни бошқариш.....	52
Асланова Д., Норкулова Д.	Социал туризм хизматлар бозорида талаб ва таклифни шакллантириш хусусиятлари.....	56
Фаттахов А., Қаххоров А.	Автомобиль транспорти хизматлари бозорида инновацион маркетингни қўллаш.....	60
Хашимова С., Ташходжаева М.	Кон-металлургия комплексини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни белгиловчи кўрсаткичлар	64
Бобоҳўжаев А.	Санъат ва маданият муассасасининг натижага йўналтирилган бюджетлаштириш менежменти.....	67
Исамухамедов Б.	Малакали иқтисодчи кадрларни тайёрлаш тизимининг ташкилий механизмини такомиллаштириш.....	71
Норинбоев О.	Хорижий мамлакатларда банк персоналани бошқариш тажрибалари.....	74
Касымов С.	Развитие малого бизнеса в хлопковой индустрии	78

## ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

оширишни талаб этади. Ушбу ҳолатлар корхонанинг ташқи молиялаштиришга бўлган талабини пасайтиради ва инвестиция қийматининг пасайишига олиб келиши ҳам мумкин. Шунинг учун инновация жараёнларини молиялаштириш механизмининг таркиби ва мазмунининг таҳлили амалда корхоналар фаолиятини кенгайтириш учун ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилаш, уларни бозорда сотиш учун харидорларни топиш, кучли рақобат шароитини яратиш ва инновацион янгиланишни амалга ошириш каби масалаларни ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш лозимки, дунёдаги корпоратив корхоналарнинг кўпчилигида инновация жараёнларини молиялаштиришда ўз инвестицияларидан фойдаланадилар. Уларнинг молиялаштиришдаги улуши Германия, Франция, Италия ва Япония каби давлатларда 50 %дан ортиқдир[3]. Хулоса қилиш мумкинки, инвестициялаш масалаларини ҳал этишда корхона албатта ички молиявий ҳолатини тўлиқ таҳлил қилиши ва улардан тўғри қарор қабул қилиши фойдадан холи эмас.

### Адабиётлар

1. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлди. // *Халқ сўзи*, 2014 йил 18 январь.

2. Каримов Н.Ф., Хожиматов Р.Х. *Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш*. –Т.: 2011. 43-б.

3. Гунин В.Н. и др. *Управление инновациями: 17-модульная программа для менеджеров. «Управление развитием организации»*. Модуль 7. –М.: ИНФРА-М, 2002. С.200.

Кат. ўқит. У. Райханов

### **Жамиятнинг ўрта қатлами сафини кенгайтиришда инновация ва тадбиркорликнинг ўрни**

Мақолада иқтисодийни модернизациялаш даврида ислохотлар йўли билан ўрта синф сафини кенгайтириш жараёнларига эътибор қаратилган, унинг улушини кенгайтиришда техникавий инновациялар ва тадбиркорлик тажрибаларини ўзлаштириш имкониятлари ўрганилган.

*В статье обращено внимание на процесс расширения состава среднего класса путем реформ в период модернизации экономики, изучены возможности освоения инновационной техники и опыта предпринимательства в расширении его доли.*

*The paper drew attention to the process of expansion of the middle class through reforms in the period of economic modernization, explored the development of innovative technology and business experience in expanding its share.*

**Калитли сўзлар:** иқтисодийни модернизациялаш, ислохотлар йўли, ўрта синф, техникавий инновациялар, тадбиркорлик тажрибалари.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида барча мамлакатлар томонидан ўрта синфни шакллантириш ва унинг сафини кенгайтиришга катта эътибор берилди. Чунки, бозор ислохотларининг чуқурлашуви ва жамиятдаги ижтимоий барқарорлик ушбу синфнинг аҳоли таркибида юқори улушга эга эканлиги билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу масаланинг долзарблигини мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов алоҳида таъкидлаб ўтган: “Шуни унутмаслик керакки, ўрта синф улушининг юқорилиги фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замини ва асоси, давлатнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигининг, одамларнинг ўз

## ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

келажагига бўлган ишончининг муҳим омили сифатида қабул қилинади”[1].

Жаҳон амалиётига кўра, ҳозирда ўрта синфни шакллантириш ва унинг улушини кенгайтиришнинг ислохотлар йўли ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади. Иқтисодётни модернизациялаш даврида ислохотлар йўли билан ўрта синф сафини кенгайтиришда давлат муҳим роль ўйнайди. Мазкур йўл билан ўрта синфни шакллантириш, унинг сафини кенгайтириш ва ривожлантириш натижасида бугунги кунда Жанубий мамлакатларда ўрта синфга кирувчи аҳоли сони ва даромадаларининг тез суръатлар билан ўсиши кузатилмоқда. 1990-2010 йилларда ўрта синф таркибида Жанубий мамлакатларнинг улуши 26 %дан 58 %гача ўсди. Таҳлилларга кўра, 2030 йилга келиб дунёдаги ўрта синфга кирувчи аҳолининг 80 % Жанубий мамлакатларга тўғри келади ва уларнинг жами истеъмол харажатлардаги улуши 70 %га етади. 2030 йилга келиб дунёдаги ўрта синф тоифасидаги аҳолининг 2/3 қисми Осиё-Тинч океани худудига, 10 %га яқини – Марказий ҳамда Жанубий Америка ва 2 %га яқини эса – Саҳрои Кабирнинг жанубидаги Африка мамлакатларига тўғри келади. Осиёда аҳолининг 75 %дан ортиғи ўрта синфни ташкил қилади ва таҳлилларга кўра уларнинг жами истеъмолдаги улуши асосан Ҳиндистон ва Хитойга ҳиссасига тўғри келмоқда.

Айрим манбаларнинг баҳолашларига кўра, бозор иқтисодиётида шаклланувчи истеъмолнинг йиллик ҳажми 2010 йилдаги 12 трлн. долларни ташкил қилган бўлса, 2025 йилга келиб ушбу кўрсаткич 30 трлн. долларга етиши кутилмоқда, 1 млрд. уй хўжалиқларининг 3/5 қисми йиллик 20 минг доллардан зиёд иш ҳақига эга бўлган ҳолда Жанубий мамлакатларда яшовчи аҳолидан иборат бўлиши прогноз қилинмоқда. Ўрта синф тарқалишининг давом этиши, шубҳасиз жаҳон иқтисодиётига ўз таъсирини кўрсатади.

Бугунги кунда ер юзи аҳолиси маълумотли ҳисобланади. Айрим Жанубий мамлакатларда маълумотга эга бўлган аҳоли сони юқори суръатлар билан ўсиши натижасида оммавий тарзда янги иш ўринлари яратилмоқда. Прогнозларга кўра, мактаб таълимини жорий этиш кўрсаткичларини барқарор суръатлар билан ошириш орқали дунё аҳолисининг 15 ёшдан катта, расмий маълумотга эга бўлмаганлар сонини 12 %дан 3 %гача қисқартириш ва ўрта ҳамда олий маълумотга эга бўлганлар сонини 2010 йилдаги 44 %дан 64 %гача ошириш лозим[2].

Жанубий мамлакатлар Шимолий мамлакатлар учун техникавий инновациялар ва тадбиркорлик тажрибаларини тақдим қилмоқдалар. Жанубий мамлакатларнинг ўзаро алоқалари соҳасида жануб компаниялари кўпроқ маҳаллий талабга мос келувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнида новаторлик ва ўзлаштириш имкониятларига эга бўлмоқда. Натижада эса компанияларда паст даромадли харидорларга маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун янги бизнес-ғоялар вужудга келмоқда. Янги экстенсив йўл билан қамраб олиш модели орқали илғор технологиялар ёрдамида маҳсулотларни кам фойда эвазига сотиш, яъни уй хўжалиқлари паст даромадга эга бўлса-да, бозорда катта миқдорда харидорларга эга бўлиш натижасида жанубий мамлакатлар барқарор иқтисодий ўсишга эришмоқдалар.

Бу ҳолат, ўз навбатида, инвестицияларни рағбатлантирди: 2007 йилда мобиль алоқа операторлари, шу жумладан Жанубий Африканинг MTN ва Кувайтнинг Zain компаниялари Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган Африка мамлакатларига, уяли алоқа қамровини яхшилаш ва аҳолининг уяли алоқа билан

## ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

таъминланганлигини 90 %гача етказиш мақсадида 50 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритишнинг 5 йиллик режасини эълон қилдилар.

Ҳақиқатдан ҳам, Африка мамлакатларида мобиль телефон алоқалари хизматининг юқори суръатлар билан ўсишини Ҳиндистон, Жанубий Африка ва Бирлашган Араб Амирликларидаги жойлашган компаниялар таъминлаб бермоқда. Бундан ташқари, мобиль телефонлар ишлаб чиқарувчи компаниялар ўз маҳсулотларини кам даромадли мижозлар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда модернизациялаштирдилар. Мисол учун, 2004 йилда Texas Instruments компаниясининг Бангалорда жойлашган TI India илмий тадқиқотлар ва ишланмалар маркази юқори сифатли, қиммат бўлмаган телефонларда қўллаш учун бирчипли прототипни яратдилар. Intel компанияси қишлоқ жойларида банк операцияларини юритиш учун ихчам ускуна ишлаб чиқарган бўлса, Wipro компанияси эса бозорга Интернет тармоғига уланиш учун кам энергия сарфловчи шахсий ПКларни чиқарди. Шу ва бошқа технологик ўзгаришлар натижасида инсонларнинг имкониятлари ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, женерикларни ишлаб чиқаришда, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари ва сифатли уруғларни яратишда; бандлик ва экспорт соҳасидаги янги имкониятларни шулар қаторига киритиш мумкин. Бундай имкониятлар даромадларнинг барча табақалари, шунингдек, энг паст даражасини ҳам қамраб олиши мумкин.

Жанубий мамлакатларда муваффақиятли иш юритаётган компаниялар ўрта синфларнинг ўзгариб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида, узоқ муддатли таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий истеъмолчилар учун мослаштирилган янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни жорий қилмоқдалар.

Илмий тадқиқот ва ишланмаларни рағбатлантиришда хусусий корхоналар, университет ва давлат тадқиқот марказлари ўртасидаги синергетик ҳамкорликни қўллаб-қувватлашда давлатнинг умумий роли ошиб бормоқда. Мисол учун, Африканинг кўпчилик мамлакатлари Шарқий Осиё мамлакатларидан экспортга йўналтирилган қайта ишлашни ташкил этишда ва тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришда Малайзия тажрибасини кенг қўлламоқда. 2008 йилдан бошлаб Хитой, Ҳиндистон ва Туркиянинг тикувчилик компанияларида глобал бозорлардан ички бозорларга силжиши кузатилмоқда. Ички бозорларга таяниш сиёсати мазкур мамлакатлар иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсишига олиб келди.

Юксалиб бораётган маҳаллий бозорларда ўрта синфнинг асосини ташкил қилувчи маҳаллий тадбиркорлар қатламига кенг имкониятлар яратиб бериш орқали қазиб олиш, алоқа, молия, туризм ва қайта ишлаш саноатлари каби тармоқларга инвестициялар ҳажми ошди. Ўтган ўн йилликда бошқа минтақаларда амалга оширилиши бошланган бундай сценарий натижасида, инвестицияларни қабул қилаётган мамлакатлар иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар юзага келди ва маҳаллий саноат тармоқлари инвестициялар оқими натижасида юзага келадиган босимга ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш орқали жавоб беради. Лекин тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ушбу жараён технологик салоҳият ва инфратузилма суи даражада ривожланган мамлакатларда қийин кечиши кузатилади.

Ўзбекистонда ўрта синф шаклланиши ва унинг сафини кенгайтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим ўрин тутди. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари мазкур синфнинг асосини ташкил қилади. Юқоридагиларни эътиборга олиб, Президентимиз И.А. Каримов Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни устувор

## ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

йўналиш сифатида белгилашнинг қуйидаги сабабларини кўрсатиб ўтди [3]:

— кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади;

— кичик бизнес жаҳон ва минтақа бозорларидаги талаб ва конъюнктура ўзгаришларига тез мослашади;

— кичик бизнесни ташкил қилиш ва юритиш катта харажат, капитал кўйилмаларни талаб этмайди;

— йирик корхоналарга нисбатан кичик бизнеснинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва салбий оқибатларига бардош бера олиш қобилияти анча юқори;

— кичик тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки кишиларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш воситаси ҳамдир.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилиниши, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфни шакллантириш ва аҳоли даромадларини ошириш имконини берди.

### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.

2. Доклад о человеческом развитии 2013. Возвышение Юга: человеческий прогресс в многообразном мире. Программа развития Организации Объединенных Наций. One United Nations Plaza. New York. С.14.

3. Каримов И.А. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти. // Халқ сўзи, 15.09.2012.